

оширилади. Истеъмолчига карашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### VI. Алоқчида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, «Истеъмолчи» чикиб-кейтишдан 7 кун аввал дебиторлик қараларини узиб, бу ҳақда «Таъминотчи» билан даволатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чикиб кетгач, суви хисобга олиш асоси ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. «Истеъмолчи»нинг сув узатиш-оқова ҳужжатлигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан «Истеъмолчи»нинг хати қабул қилинган кундан бошлаб хисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб омининг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times \eta}$$

Бунда:  $M$  – 0.60га тенг бўлган эълфрин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – сувоқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;

$g$  – 9.81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тэзлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$\eta$  – вақт – 24 соат, секундларда.\*

#### Куйдаги ҳолатларда:

6.3.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчилик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар юврилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бўзилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида қўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган даволатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунга ҳисобланади;

Суви хисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб оидатидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Хисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўл кўлланилиши мумкин эмас. Агар суви хисобга олиш асбоби қўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гuruh истеъмолчилари учун Қонданиннг 87-6-банди бўйича хисоб-китоб қилинади.

6.3.5. «Истеъмолчи»нинг ичимлик суви ва каналлация тизими коммуналқизиларидан сув исорф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўлимини диаметри кичикроқ бўлган мосламатга алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориш бўлинидаги қўйилган химоя қолпамига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан саклаиш гидрантлари ва хонадон қувурларида) ўзбошимчилик билан улаиш олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, «Таъминотчи» томонидан даволатнома тузилади ва шу тузилган даволатнома ўзбошимчилик билан улаиш олган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат даволатнома санасидан ўзбошимчилик билан улаиш олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчилик билан улаиш олинган санадан бу ҳақда марълу бўлган санагача, агар ўзбошимчилик билан улаиш олинган санадан бу ҳақда марълу бўлган санагача, агар ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчилик билан улаиш олинган санаи топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буортмачи (объектни лоқхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. «Истеъмолчи» коммунал сув таъминоти ва оқова суви чикариб юбориш тармоқларига улаиш санаси ҳақдаги хужжатлари тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан, хоқим қарори ва қадестр хужжатлари ва шу қабилар асосида, хужжат билан тесдиқланган, улаиш санаси бўйича хисоб-китоб қилишга ҳақлиқдир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида улрға хизмат қилувчи банқлар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида ақлетсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» қечиктирилган тўловнинг ҳар бир кунини учун 0.4 % пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фураролий «қодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажарилш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг кирони олишга қаретилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса - қарзининг асосий суммасини ўзиш учун йўналтирилади.

6.8. «Истеъмолчи» хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банқ бўлимларининг қирим қассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида туланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой хисобига қўшилади. Агар «Истеъмолчи» икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» ҳеч юборишни ундиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чикариб саклаиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик «Истеъмолчи» зиммасига оқлатилади. Сув таъминоти ва сув чикариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта миқдорида тўлов қайта улаиш амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлардаги коммунал каналлация тизимига жапа, ёмтир ва қор сувлари руҳсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчиға нисбатан ишлаб чикариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик коэффициент таъбиқ этилади. Хисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чикариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантйрувчи моддаларнинг ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал каналлация тармоқларига нормативдан ортқича оқизганлиги учун компанияга тўловларини хисоблаш тартибига мувофиқ қадестр ва метрологик марълуотларга бинонан амалга оширилади.

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» га ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов хужжатида қўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортқича сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10.0 орттирилуви ҳақда қарор қабул қилиш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. «Таъминотчи» билан «Истеъмолчи»лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари (ичимлик суви ва каналлация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат қўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа улаишнинг узиб қилувчи қирғиш қулфи, қирғиш қулфи билан ичимлик сувга улаиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми хисобланади;

б) каналлация учун — истеъмолчи каналлация тизимининг ички қисми хисобланувчи, магистрал каналлация тармоқига улаиш нуқтасидаги чикарув қудуғи. Агар чикарувчи каналлация қудуғи (камераси) магистрал каналлация тармоқида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал каналлация тармоқининг бир қисми хисобланмайди, унга туташтирувчи фойдаланиш қизили эса истеъмолчининг маблаги ва воситалари хисобидан амалга оширилади.